

БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ ДАВЛАТ ҲИМОЯСИДА.

Бейсенов Кенжабай Сарсанбаевич¹

¹ Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириши институти Касбий тайёргарлик факультети Махсус фанлар цикли ўқитувчиси

Меликулов Нуржов Латифович¹

¹ Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириши институти Касбий тайёргарлик факультети Махсус фанлар цикли ўқитувчиси

МАҚОЛА МАЪЛУМОТИ:

МАҚОЛА ТАРИХИ:

Received: 30.10.2024

Revised: 31.10.2024

Accepted: 01.11.2024

Мазкур мақолада болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилиши бўйича илмий асосланган тақлиф ва тавсиялар берилган.

АННОТАЦИЯ:

КАЛИТ СЎЗЛАР:

бала, етим бала,
ногиронлиги бўлган
болалар, Конвенция.

КИРИШ. Мамлакатимизда оналик ва болаликни қўллаб-қувватлаш, болаларнинг маънавий ва жисмоний ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги [конвенцияси](#) талабларига риоя этилишини таъминлаш мақсадида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Дунёнинг кўплаб мамлакатлари қатори мамлакатимизда ҳам 1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни кенг нишонланиб келинмоқда. Чунки, ушбу байрамнинг мақсади – улгайиб келаётган ёш авлоднинг келажакда маънан бой, жисмонан соғлом ва ахлоқан пок бўлиб вояга етказишидир. Уларга кўрсатилаётган ғамхўрлик эса юрт равнақи учун қўйилаётган мустаҳкам пойdevордир.

Боланинг энг яхши манфаатларини таъминлаш, болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича Ўзбекистон давлат сиёсатининг асосий устувор йўналиши ҳисобланади. Ўзбекистон, мамлакатда болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва такомиллаштириш борасида сезиларли ютуқларга эришди. Ўзбекистон

Республикаси Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни, Болалар савдоси, болалар фоҳишабозлиги ва болалар порнографиясини, шунингдек Болаларни қуролли можароларга жалб қилиш тўғрисидаги Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг факультатив протоколларини ратификация қилди. Конвенция ва факультатив протоколларнинг асосий қоидалари Ўзбекистон Республикасининг «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида» ги қонунида амалга оширилади⁴⁸.

Бола ҳуқуқлари тўхталишдан олдин, қуйидаги тушунчаларга таъриф бериб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

бала (болалар) - ўн саккиз ёшга тўлгунга (вояга етгунга) қадар бўлган шахс (шахслар);

боланинг қонуний вакиллари - ота-оналар, фарзандликка олувчилар, васийлар, ҳомийлар;

vasiylik va homiylik - ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни уларга таъминот, тарбия ҳамда таълим бериш, шунингдек уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида жойлаштиришнинг ҳуқуқий шакли. Васийлик ўн тўрт ёшга тўлмаган, ҳомийлик эса ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган болаларга нисбатан белгиланади;

етим бола – отаси ҳам, онаси ҳам вафот этган ёки улар суд қарорига биноан вафот этган деб эълон қилинган бола;

жисмоний ва (ёки) руҳий ривожланишида нуқсонлари бўлган бола – ногиронликни белгилаш учун етарли бўлмаган жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ва (ёки) руҳий нуқсонлари бўлган бола;

ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар - юзага келган ҳолатлар сабабли оғир турмуш шароитида қолган, давлат ва жамият томонидан алоҳида ҳимоя қилишга ҳамда қўллаб-куватлашга муҳтож болалар, шу жумладан: ногиронлиги бўлган болалар; жисмоний ва (ёки) руҳий ривожланишида нуқсонлари бўлган болалар; етим болалар; ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар; ихтисослаштирилган болалар муассасаларида тарбияланётган болалар; муайян яшаш жойига эга бўлмаган болалар; кам таъминланган оиласардаги болалар; жиноий жавобгарликка тортилган ва жазони ижро этиш муассасаларида турган болалар; зўравонлик ва эксплуатация, қуролли можаролар ва табиий оғатлар натижасида жабрланган болалар;

⁴⁸ <https://www.unicef.org/uzbekistan/media/3401/file/SitAn%20-%20Uzbek.pdf>

ногиронлиги бўлган болалар (бала) - барқарор жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ёки руҳий нуқсонлари мавжудлиги оқибатида ҳаёт фаолияти чекланганлиги муносабати билан давлат ва жамият томонидан ижтимоий ёрдам кўрсатилишига ҳамда ўз хуқуqlари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишига муҳтож бўлган болалар (бала);

ота-онанинг ўрнини босувчи шахслар - қонунда белгиланган тартибда болага нисбатан ота-оналик хуқуқини амалга оширувчи ва ота-оналик мажбуриятларини бажарувчи, лекин боланинг ота-онаси бўлмаган шахслар (фарзандликка олувчилар, васийлар ва ҳомийлар);

ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола - ота-оналик хуқуқидан маҳрум қилинганлиги ёки чекланганлиги, бедарак йўқолган ёки муомалага лаёқатсиз деб топилганлиги ёхуд муомалага лаёқати чекланганлиги, болани тарбиялашдан ёки унинг хуқук ва манфаатларини ҳимоя қилишдан бўйин товлаганлиги, шу жумладан, узрсиз сабабларга кўра ўз боласини туғуруқхона ёки бошқа даволаш муассасасидан, тарбия, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассасаси ва шунга ўхшашиб бошқа муассасалардан бош тортганлиги ёхуд ота-она қарамоғи мавжуд бўлмаган бошқа ҳолатлар сабабли ота-она ёки ягона ота (она) қарамоғидан маҳрум бўлган бола⁴⁹.

Ўзбекистон халқаро ҳамжамиятнинг аъзоси сифатида бола хуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш бўйича дунё давлатларининг юритаётган халқаро сиёсати тарафдори эканини маълум қилган ҳолда илк давларданоқ мамлакатда бунинг хуқуқий асосларини яратиш юзасидан чора-тадбирларни амалга оширган. Буни амалдаги қонунчиликдан кўриш мумкин. Аввало, Конституциянинг 77-моддасида Ота-оналар ва уларнинг ўрнини босувчи шахслар ўз фарзандларини вояга етгунига қадар боқиши, уларнинг тарбияси, таълим олиши, соғлом, тўлақонли ва ҳар томонлама камол топиши хусусида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар.

Давлат ва жамият етим болаларни ҳамда ота-онасининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиши, тарбиялашни, уларнинг таълим олишини, соғлом, тўлақонли ва ҳар томонлама камол топишини таъминлайди, шу мақсадда хайрия фаолиятини рағбатлантиради.

⁴⁹ Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 7 январдаги . «[Бола хуқукларининг кафолатлари тўғрисида](#)» ги ЎРҚ-139 сон Қонуни.

Фарзандлар ота-онасининг насл-насаби ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

Боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш, унинг жисмоний, ақлий ва маданий жиҳатдан тўлақонли ривожланиши учун энг яхши шарт-шароитларни яратиш давлатнинг мажбуриятидир.

Оналик, оталик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади.

Давлат ва жамият болаларда ҳамда ёшларда миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқликни, мамлакатидан ҳамда халқнинг бой маданий меросидан фахрланишни, ватанпарварлик ва Ватанга бўлган меҳр-муҳаббат туйғуларини шакллантириш тўғрисида ғамхўрлик қилиниши (78-модда) бош комусда акс эттирилган.

Шунингдек, бола ҳуқуқларининг асослари Оила кодексининг нормалари билан тартибга солинади. Кодекснинг [11-бобида](#) вояга етмаган болаларнинг шахсий номулкий ҳуқуқлари: яшаш ва тарбияланиш; ота-онаси ва бошқа қариндошлари билан кўришиш; ҳимояга бўлган ҳуқуқ; ўз фикрини ифода этиш; исм, фамилия ва отасининг исмини олиш ва ўзгартириш кабилар шулар жумласидандир.

«Бола ҳуқуқларининг асосий кафолатлари тўғрисида»ги қонун ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унинг [7-моддасида](#) Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, ушбу қонун ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳар бир болага инсон ҳамда фуқаро ҳуқуқлари ва эркинликлари тегишли бўлади ҳамда давлат томонидан кафолатланиши белгиланган. Никоҳда ва никоҳсиз туғилган болалар тенг ҳамда ҳар тарафлама ҳимоядан фойдаланади. Давлат боланинг барча шакллардаги камситишлардан ҳимоя қилинишини таъминлаш учун зарур чораларни қўради. Бола ҳуқуқлари чекланиши мумкин эмас, қонунда белгиланган ҳоллар бундан мустасно. Қонунда боланинг узвий ҳуқуқи сифатида яшаш ҳуқуқи, ҳар бир боланинг туғилган пайтдан эътиборан фамилия, исм, ота исми олиш, миллати ва фуқаролигига эга бўлиш ҳуқуқига, шунингдек, уларни сақлаб қолиш ҳуқуқига эгалиги қайд этилган.

Боланинг эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи кафолатланиб, давлат бунда боланинг шахси, уй-жойи дахлсизлигини, хат-хабарлари сир тутилишини таъминлайди ҳамда болани эксплуатация ва зўравонликнинг барча шаклларидан, шу жумладан, жисмоний, руҳий ва жинсий зўравонликдан, қийноқларга солишдан ёки шафқатсиз, қўпол ёхуд инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа шаклдаги муомаладан, шахвоний шилқимликлардан, ҳуқуқбузарликлар ва ғайриижтимоий ҳаракатлар содир этишга жалб этилишидан ҳимоя қилинишини амалга оширади.

Боланинг ота-онаси бўлмагандан, улар ота-оналий хуқуқидан маҳрум қилинганда ҳамда бола ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бошқа ҳолларда унинг оиласда яшаш ҳамда тарбияланиш хуқуқи васийлик ва ҳомийлик органи томонидан таъминланади. Шу билан бирга боланинг хусусий мулкка эга бўлиш, туар жойли бўлиш, меҳнат қилиш (ўн олти ёшдан, истисно тариқасида ота-онасидан ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг розилиги бўлганда эса ўн беш ёшдан бошлаб) ва дам олиш, малакали тиббий хизматдан фойдаланиш, билим олиш каби асосий хуқуқлари ҳам ушбу қонунда мустаҳкамланган.

Сўнгги йилларда бола хуқуқлари йўналишида Ўзбекистонда амалга оширилган муҳим ўзгариш сифатида Президентнинг 2021 йил 9 августдаги «Бола хуқуқларининг кафолатларини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6275-сонли [фармонига](#) асосан Болалар омбудсмани институтининг жорий қилинишини айтиш мумкин.

Ўз навбатида, «Бола хуқуқларининг кафолатларини таъминлаш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун хужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги [конун лойихаси](#) билан жиноят қонунчилигига вояга етмаганларга нисбатан инсонпарварликни кучайтириш мақсадида уларни жиноий жавобгарликка тортиш ёшини ўн уч ёшдан ўн тўрт ёшга кўтарилиди, вояга етмаганларнинг жинсий дахлсизлигига қарши жиноятлар, хусусан, Жиноят кодексининг 128 ва 129-моддаларининг жазо чораларини кучайтирилди.

Бола хуқуқлари – болага нисбатан инсон хуқуқлари тоифаси, ирқи, жинси, тили, дини, туғилган жойи, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, мулкийлиги, ижтимоий мавқеидан қатъи назар, ҳар бир бола эга бўлиши керак бўлган хуқуқ ва эркинликлардир. Халқаро хуқуқда **18 ёшга этмаганларнинг барчаси бола** деб тан олинган.

Бола хуқуқлари бўйича халқаро ва миллий даражада кўплаб маҳсус хужжатлар мавжуд. Бола хуқуқлари тўғрисидаги халқаро даражадаги асосий хужжат Бола хуқуқлари тўғрисидаги конвенция хисобланади. Конвенция Ню-Ёркда 1989 йил 20-ноябрда қабул қилинган. Унда **54 та моддадан иборат** бўлиб, уларда болаларнинг хуқуқлари. Конвенцияга киритилган барча хуқуқлар барча болаларга нисбатан қўлланилади.

Конвенцияда биринчи марта бола Конвенцияни ратификация қилган давлатлар «хурмат қилиш ва кафолатлаш» талаб қилинадиган хуқуқларга эга бўлган шахс сифатида кўриб чиқилади. Ушбу қоида бола жамиятнинг жуда ҳимоясиз аъзоси

эканлиги ва шунинг учун алоҳида ҳимояни талаб қилиши ва бунга лойиқ эканлигини кўрсатади.

Конвенцияга биноан, **бала мустақил шахс сифатида** қабул қилинади. Конвенсия болани ўзига хос ҳуқуқларга эга бўлган шахс сифатида тавсифлайди: яшаш ҳуқуқи (6-модда), оила қуриш (9-модда), исми ва фуқаролиги бўйича.

Таълим тўғрисида (7-модда), зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида (19-модда), тенглик, фикр ва сўз эркинлиги тўғрисида (13-модда), дам олиш ва ҳордиқ чиқариш (31-модда), тиббий, хизмат кўрсатиш ва соғлиқни сақлаш (24-модда), давлат ёрдамида (18-27-модда) ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси Бала ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни **1992 йил 9 декабрда** ратификация қилди.

Ўзбекистонда бола ҳуқуқлари қуидаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади⁵⁰:

Ўзбекистон Республикасининг [Конституцияси](#);

Ўзбекистон Республикасининг [Оила кодекси](#);

Ўзбекистон Республикасининг «[Бала ҳуқукларининг кафолатлари тўғрисида](#)» ги Қонуни;

Ўзбекистон Республикасининг «[Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида](#)» ги Қонуни;

Ўзбекистон Республикасининг «[Ёшлирга оид давлат сиёсати тўғрисида](#)» ги Қонуни;

Ўзбекистон Республикасининг «[Таълим тўғрисида](#)» ги Қонуни ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони қабул қилиниши билан «Бала ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2019 йил 22 апрелдаги [ПҚ-4296-сонли](#) қарорига биноан Омбудсман ҳозирда ўз ўринбосарига – болалар ҳуқуқлари бўйича вакилга эга.

2021 йилнинг 9 август қуни Бала ҳуқукларининг кафолатларини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-6275-сон фармони [эълон қилинди](#).

⁵⁰ <https://gov.uz/qr/advice/document/2675/>

Хулоса ўрнида юқорида бола ҳуқуқларининг халқаро ва миллий қонунчиликдаги асосларига тўхтадик. Бироқ шуни ҳисобга олиш зарурки, ижтимоий муносабатлардаги муаммоларни ҳал қилишда ҳуқук нормаси қабул қилинишининг ўзигина етарли бўлмайди. Масалан, рақамларга эътибор қаратсак, БМТ расмий сайтидаги [маълумотларга кўра](#), дунёдаги ҳар бешинчи бола ўта қашшоқликда яшайди. Бир миллиардга яқин одам кунига 1,90 доллардан кам даромад билан кун кечиради ва уларнинг ярми болаларга тўғри келади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) ўз ҳисоботида 5 ёшгача бўлган қарийб 8 миллион боланинг ҳаёти сурункали тўйиб овқатланмаслик сабаб хавфи остида эканини [маълум қилди](#).

Ҳисоботга кўра, бу болаларнинг аксарияти озиқ-овқат ва тиббий воситалар тақчиллигидан қаттиқ қийналаётган 15 мамлакатда яшайди. Инқироздаги ушбу давлатлар орасида Афғонистон, Эфиопия, Гаити ва Яман бор. Тўйиб овқатланмаслик иммунитетнинг заифлашишига олиб келади, бу эса 5 ёшгача бўлган болалар ўртасида ўлим хавфини яхши овқатланган болаларга нисбатан 11 баравар оширади. Ҳисоботда айтилишича, 2022 йил бошидан буён яна 260 минг бола тўйиб овқатланмасликдан азият чеккан. Украинадаги можаро ва дунёнинг айрим қисмларида давом этаётган иқлим ўзгариши сабаб қурғоқчилик туфайли озиқ-овқат нархи кескин кўтарилиди. Ҳисоботда айтилишича, COVID-19 нинг давом этаётган иқтисодий таъсири ҳам болаларнинг тўйиб овқатланмаслигига олиб келмоқда. Шунингдек, куролли можаролар, уруш хавфи ва болалар меҳнатидан ноқонуний фойдаланиш болалар ҳаётига жуда кўп муаммоларни келтириб чиқаради.⁵¹ Жумладан, ҳозирда 5 ёшдан 14 ёшгача бўлган 153 миллионга яқин болалар меҳнат қилишга мажбурланиши айтилади. Рақамлардан кўриниб турганидек, гарчи дунё давлатлари болалар манфаатларининг ҳимояси йўлида яқдил халқаро ва ички сиёсатни танлашганига қарамай, ривожланаётган ва қолоқ давлатларда муаммолар талайлигича қолмоқда. Бу эса соҳа бўйича қилинадиган ишларнинг ҳали кўплигини англалади.

Ҳуқукий демократик жамият қуар эканмиз, мамлакатимизда бола ҳуқуқларини тўла ҳимоялаш, унинг тўлақонли яшashi, шахс сифатида камолга етишига шартшароит яратиш бош мақсадимиз бўлиб қолмоғи лозим. Зоро, бугунги ёшлар эртага юртимизнинг ишонган кучига айланади.

⁵¹ <https://zamin.uz/dunyo/102340-dune-bjlab-8-mln-bolaning-aeti-tjib-ovatlanmaslik-sabab-havf-ostida.html>

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.–Т:Ўзбекистон, 2023.;
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. –Т., 2024. – Lex.uz.;
3. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси.–Т., 2024. – Lex.uz.;
4. Ўзбекистон Республикасининг Оила Кодекси Т:Ўзбекистон, 2023 – Lex.uz.;
5. Ўзбекистон Республикасининг [Оила кодекси](#);
6. Ўзбекистон Республикасининг «[Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида](#)» ги Қонуни;
7. Ўзбекистон Республикасининг «[Васийлик ва хомийлик тўғрисида](#)» ги Қонуни;
8. [Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция](#)
9. [Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 22.04.2019 йилдаги ПҚ-4296-сон.](#)
10. <https://zamin.uz/dunyo/102340>.
11. <https://www.unicef.org/uzbekistan/media/3401>.
12. <https://gov.uz/qr/advice/document/2675/>.